

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 37 (3009). | Сешанба, 23 февраль 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ Б У Й Р У Ё И

МОСКВА ШАҲРИ.

№ 40

1965 йил 23 февраль.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Офицер, генерал, адмирал ва маршал ўртоқлар!
Армия ва Флотнинг запасдаги ва отставкадаги ветеранлари!

Бугун совет халқи Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 47 йиллигини байрам қилмоқда.
Бу байрамни СССР халқлари жонажон Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнат активлигини янада ошириш билан нишонламоқдалар. Партия Совет давлати итисодий қудратини мустаҳкамлаш, халқнинг турмуш даражасини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганлиги шаҳар ва қишлоқ меҳнат-кадрларини етти йиллик пилани муддатидан илгари бажаришга, коммунизм тантанаси йўлида янгидан-янги шонли ишлар қилишга руҳлантирмоқда.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати бугун совет халқининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, коммунизм куриш учун зарур бўлган тинчликни мустаҳкамлаш учун сабот билан курашмоқдалар. Шу билан бирга коммунистик партия билан совет ҳукумати империалистларнинг агрессив кирдиқорларини ҳисобга олиб, қуролли қучларни бундан буйи ҳам мустаҳкамлай бериш учун, социалистик Ватанимизнинг, социалистик ҳамаёқлигидаги барча мамлакатларнинг хавфсизлигини таъминламоқ учун ҳамма чораларни қўймоқдалар.

Коммунистик партия теваригида маҳкам жипслаган совет жангчилари коммунизм бинокорларининг тинчлиги ва хавфсизлигини ҳушёр бўлиб қўриқламоқдалар. Совет Ватанимизнинг давлат манфаатлари посбонлигида сергак турибдилар.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Офицер, генерал, адмирал ва маршал ўртоқлар!
Армия ва Флотнинг запасдаги ва отставкадаги ветеранлари!

Сизларни умумхалқ байрами—Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 47 йиллиги билан қутлайман.

Армия ва флот жангчилари! Ҳарбий ва сиёсий билимларингизни кунт билан такомиллаштирингиз, ўзингизга ишониб топширилган ҳарбий техника ва қурол-яроғларни сабот билан ўрганингиз, ҳарбий қасам ва ҳарбий уставларнинг талабларини қатъий бажарингиз, иттиҳом, ушқоқлик ва тартибни бугун чоралар билан мустаҳкамлашга, ҳушёрлигини ва жанговар тайёрлигини оширингиз!

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 47 йиллигини нишонлаш юзасидан БУЮРАМАН:
Бугун, 23 февралда Ватанимиз пойтахти — Москвада иттифоддош республикаларнинг пойтахтларида, шунингдек қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Севастополь ва Одессада тўғлардан бир йўла иттиҳом марта ўқилиб, салют берилсин.

Яшасин Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 47 йиллиги!

Яшасин халқ билан армиянинг улуғ бузғилмас бирлиги!

Ленин тузган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР Мудофаа Министри, Совет Иттифоқи
Маршал Р. МАЛИНОВСКИЙ.

ШОНЛИ КУН

Бугун — Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти кун. Бундан 47 йил муқаддам улуғ Ленин ва Коммунистик партия томонидан ташкил этилган ва жангларда қатъий, халқининг буюк ҳурматиға сазовор бўлган Қуролли Кучларимиз Ватанимиз чегаралари хавфсизлигини сергаклик билан қўриқлаб келмоқда. Халқимиз, прогрессив инсоният Қуролли Кучларимизни тинчликнинг қудратли посбонлари деб биладилар. Шунинг учун ҳам ҳар йили 23 февраль — Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти туғилган кун умумхалқ байрамга айланади.

Улуғ айём кунда совет кишилари ва халқ демократияси мамлакатлари халқлари ва бошқа чет эллардаги миллион-миллион оддий кишилар шавкатли қўшинларимизнинг босиб ўтган жанговар шонли йўлларини ёлға оладилар ва уларга халқаро тинчликни мустаҳкамлашда янгидан-янги катта муваффақиятлар тилайдилар, улуғ байрам муносабати билан уларни самимий табриқлайдилар.

1918 йилнинг 23 феврели Ватанимиз тарихига, жанговар посбонларимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган. Ана шу тарихий кунда ёш Совет Армиясининг дастлабки отрядлари Псков ва Нарва ёнида босқинчи герман қўшинларини батамом тор-мор келтириб, Октябрь социалистик революциясининг шонли ғалабаларини халқаро империализм ва ички контрреволюция ҳужумларидан қаҳрамонларча сақлаб қолди.

Мамлакатимизнинг ички ва ташқи душманларига қарши жангларда чиқишган Армия ва Флотимиз тинч қурилиш йилларида ўзининг жанговар тайёрлигини тинмай ошириб борди. Партия ва ҳукуматимиз капиталистик куршода турган Ватанимиз чегаралари мудофасини янада мустаҳкамлаш чораларини кўрди, Армия ва Флотимизни янги қуроллар билан қуроллантиришда ва уни ҳарбий санъатни пухта эгаллаган кадрлар билан таъминлашда катта ғамхўрликлар кўрсатди.

Улуғ Ватан уруши мамлакатимиз халқлари ва Қуролли Кучларимиз учун катта синов бўлди. Европадаги бир қанча мамлакатларни босиб олиб, катта уруш тажрибасига эга бўлган ва тиштинотига қуролланган немис-фашист қўшинларни қўқисдан Ватанимиз чегараларига ҳужум қилди ва унинг ичкарисига бостириб кира бошладилар. Халқимиз, Қуролли Кучларимиз муқаддас Улуғ Ватан урушига отлангилар. Қора денгиздан ториб Оқ денгизгача қўзилган катта уруш фронтларида ҳаёт-мамот жанги бошланиб кетди.

Халқимиз, шавкатли Қуролли Кучларимиз гитлерчи фашистлар армиясининг қонли йўлини мардон-навор тўсиб ва унинг мақталган қўшинларига ўғолмас зарбалар бера бошладилар. Фашистлар Германиясининг Ватанимизга бостириб

кирган қўшинлари Москва, Ленинград бўсақаларида, Волга бўйида, Кавказ тоғларида, Қора денгиз соҳилларида, Украина қирлари, Белоруссия ўрмонларида яксон этилди.

Қуролли Кучларимиз гарбда фашистлар Германияси ва шарқда милитаристик Япония устидан оламшумул-тарихий ғалабани қўлга киритди, ўзининг интернационал бурчини бажариб, Европадаги ва Осиёдаги бир қанча мамлакат-халқларнинг фашистлар зулминдан озод бўлишда қардошлик ёрдамини кўрсатди. Шунинг учун ҳам қардошларимиз, тинчликсевар инсоният Совет Армиясини халоскор армия, тинчликнинг қудратли посбонлари деб биладилар, қадрайдилар ва севадилар.

Халқимиз Армиямизни севати ва унинг шонли хизматларини эфронат билан ҳаммидга эста олади. Партия ва ҳукуматимиз Қуролли Кучларимиз қудратини янада ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Қуролли Кучларимиз Улуғ Ватан уруши йилларидаги тажрибаларини янада мустаҳкамлаб, ўзларининг сиёсий ва ҳарбий тайёргарликларини ошириш, янги, қудратли машиналарни ўзлаштириш йўлида самарали иш олиб бормоқдалар.

Мамлакатимиз халқ ҳўжалиги, экономика, фан ва маданияти тараққиёти, иқодор халқимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар натижасида Қуролли Кучларимизни ҳозирги замоннинг биринчи даражали жанговар қуроллари билан таъминлаш иқомиятлари яратилмоқда. Қўшинларимиз ҳамма масофалардаги нишонларга беҳато бориб тегадилар қудратли ракетагага эгадирлар. Қўшинларимиз қуруқликда, сувда ва ҳавода душман ҳужумини дафъ этишда ва яксон этакданги янги жанговар қуроллар билан таъминланганлар.

Совет давлати қуролларни ҳам ҳар қандай уруш хавфларига қар

ши қатъий кураш олиб бормоқда. Мақсадимиз — тинч ва осийишта меҳнат қилиш, халқларни уруш фалокатларидан сақлаш, ҳар бир халқнинг миллий озодлик, тараққиёт йўлини таъминлашдан иборатдир. Империалистлар эса миллий озодлик ва мустақилликка қарши кураш олиб бориб, эрксевар халқларни таъқиб этиш, янги жаҳон уруши оловини ёқишга ҳар қандай йўллар билан уринмоқдалар. Бу пуч мақсадлар. Тинчликсевар халқлар бунга мутлақо йўл бермайдилар.

Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари уруш хавфига, қуролланиш ва атом қуроллари синовига қарши кураш олиб бормоқда. Ленин Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари бугун дунёда барқарор тинчлик ўрнатиш учун астойдил ҳаракат қилаётган бир пайтда, империалист давлатлар дунё тинчлигига хавф туғдирмоқдалар. Жаҳоний Вьетнамда, Конгода эрксевар кишиларнинг қони тўқилмоқда. АҚШ империалистлари ўз эрки учун курашаётган халқлар курашига қаршилик кўрсатиб, у ерларга ўз қуролли қучларини юбормоқда.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар тинчлик учун халқаро хавфсизлигини таъминлаш учун, империалистларнинг агрессив ҳуружларига қарши чиқмоқда. Социализм ва демократия қучлари империалистларнинг ниятларини пучга чиқаради. Тинчлик қучлари ғолиб келади.

Мамлакатимиз тинчлигини, шунингдек жаҳон халқларининг осийиғалигини қўриқлаб келаётган қудратли Қуролли Кучларимиз ўзларининг жанговар постларида ҳушёр турибдилар. Жангларда чиқишган қаҳрамон Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Ватанимизга кўз олайтирган ҳар қандай агрессорга қатъий зарбалар беришга тайёрдир.

ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШ

Ўзбекистон пойтахтида меҳнат-кашлари Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 47 йиллигини кенг нишонламоқда. Шаҳар партия ва ҳамаот ташкилотлари ҳамда маҳаллий гарнизон ҳарбий қисмлари вакиллари 22 февралда Навоий номи опера ва балет театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда шонли кунга бағишладилар.

Бу ерда тўлганам кишилар КПСС ленинчи Марказий Комитети

нинг Президиуми билан руҳ билан файри президентимиз сайлабдилар.

Тошкент Ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, армия генерали И. И. Федосинский, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 47 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Тантанали йиғилиш қатнашчиларига байрам концерти қўйиб берилди (ЎзТАГ).

УРХО КЕККОНЕН ТОШКЕНТДА

Хиндистон сафарини тамомлаб, Москвага бораётган Финляндия президенти Урхо Калеве Кекконен ва унинг рафиқаси ўтган ақшанба кунин Ҳазратининг пойтахтида шодона кутуб олинди. Финляндия ташқи ишлар министри Ахти Карьялайнен рафиқаси билан ва бошқа расмий кишилар президентга ҳамроҳлик қилмоқдалар. Президентга ҳамроҳ бўлиб юрган бир гуруҳа фин журналистлари ҳам шу самолётда Тошкентга келишди.

Тошкент аэропорти Финляндия, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган эди. КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигида кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов рафиқаси билан,

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдуллин, республика Олий Советининг депутатлари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусоҳонов, Р. Н. Нишонов, республика министрлари, Тошкент жамоатчилигининг номоядалари, совет журналистлари дўст давлатнинг бошлигини кутуб олиш учун бу ерга келишди.

Ҳушёр меҳмонни кутуб олиш учун Тошкентга келган Ўзбекистон Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. Холов, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Л. Орлов, СССР ташқи ишлар министрининг Протокол бўлимининг мудир Ф. Ф. Молочков, шунингдек Финляндиянинг СССР даги элчиси Норме Ва

БУГУН СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБЕЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ ВАТАНИМИЗНИНГ СОДИҚ ҚЎРИҚЧИЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!



БАҲОРГА ШАЙМИСИЗ? К ў к л а м н а ф а с и

Тош йўлдан оқсига одимлаб келаётган йигит чинорга етганда чапга бурилди. Бошидаги телпакнинг бостириб қўйиб олди-да дала бўлаб юра бошлади, Олимжон шу қолхўзлик. Уни катта коллектив тарбиялаб вояга етказди. Раис Абдуқамил Маъқулов, қолхоз агрономи Степан Олфореңколар Олимжонга ҳақиқий отадек бўлиб қолишган.

Олимжон ўй суриб боради... 1941 йил. Уруш. Ана шу оғир йиллар қийинчилиги гирдобда қолган Олимжонлар оиласини қолхоз ўз қанотиға олди. Фронтга кетган ота ўрнини 7-сентябрда ўқитган 14 ёшли Олимжон эгаллади. Оилавий шароит уни барвақт меҳнат қучоғига отланганди.

— Ўғлим, — деди кунларнинг бирйда раис Абдуқамил ака, — сени 21-боғдорчилик бригадасига ҳисобчи қилиб тайинламоқчимиз, розимсан?

— Қўлимдан келармикан, — деди у шунда мулоҳаза қилиб. — Биноидий саводинг бор, албатта уздай кетасан.

Раиснинг ҳушумомалиги Олимжонга ёқиб тушди. У ўша кундан бошлаб ғайбат билан ишга киришди. Ёш йигитнинг биланлари кундан-кунга қуча

тўлишиб борди. Олимжон гарчи ҳисобчи бўлса ҳам жамоат ишларидан четда қолмади, қолхозчиларга яқиндан ёрдам берди. Агитаторлик ҳам қилди. 1945 йили қолхоз правленийеси Олимжонни бош ҳисобчи вазифасига кўтарди.

1950 йили Олимжон армия сафига жўнади. Армия сафидан қайтган, у пахтачилик бригадасига бошчилик қила бошлади. Дастлабки йили 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан пахта етиштиришга эришди. 1954 йили бригадаси яна 40 гектар ер қўшиб берилди. Маъсум охирига бориб ҳар гектар пахта майдонидан 38

центнердан «оқ олтин» йигиб олинди. Олимжон бошчилик бригадасида ҳисобдорлик йил сайин ошиб бормоқда. Аҳли коллектив 1967 йили гектаридан 41 центнер, ундан кейинги йиллари 43-48 центнердан ва 1960 йилда ҳатто 50 центнердан ошариб пахта ҳосили олди.

1963—1964 йилларда бригадаси ерларига «элита» навали чигит экилди. Бу навл пахтанинг ҳосили тақини бўлмади. Ўтган йили бригадасида йиллик пахта 109 процент бажарилиб, барқали хирмон қўтарилиб, Илгорлар тақрибасилан усталик билан бойдаланиш, далачилик ишларида механизацияни кенг

қўлланиш туфайли йилдан-йилга бригадасида ана шундай қувончли ютуқларга эришилди.

Оржоннидзё районидаги машаъ «Қизил Ўзбекистон» қолхозига 11 йилдан бери бригадирлик қилиб келаётган Олимжон Муминов деҳқончилик сирларини яхши билиб олган. У бошчи қолхоз комсомол ёшларнинг бу йилги режалари янада катта. Улар ҳарбир аъзо ҳисобига 10—12 тоннадан пахта етиштириш, бир центнер пахтанинг таннархини 12-13 сўмга тушириш, ҳосилининг қашнада 80—90 процентини машинада териб олиш ва қоп-қорсиз ташишни ўз олдларига асосий мақсад қилиб қўйишган.

Шу кунларда бригадасида бўлажак мўл ҳосили қўлаб кетар бошга 10—12 тоннадан маҳаллий ўғит ташиб чиқариламоқда. Қўлаб миздорда комсомол тайёрланмоқда. Қўлаб миздорда қишлоқ пахта тайёргарлик қўраётган комсомол-ёшлар янгида бригадасида бринклиган мавжуд қишлоқ ҳўжалик машиналари ва асбобларини муқаммал ремонтдан чиқариб қўйди. Арин-зоурулар ҳам тўла тозаланиб бўлиди.

Далаларда қўлаб нафаси кезмоқда. Миниркор ёш пахтакорларнинг биланлари шимирлиқ. Улар экин маъсумига пахта таралуд қўймоқдалар.

А. ТУРАЕВ,
Бекобод

Р. ТУРДИЕВА,
М. НУРМУХАМЕДОВА.

ЕР ТЎЙДИРИЛМОҚДА

Ернинг тўйдирган деҳқон сира панд емайди. Бунин Юкори Чириндаги «Правда» қолхозининг пахтакорлари жуда яқини билишди. Шунинг учун ҳам улар ҳар йили ерни обдон тўйдирмоқда.

— Ўтган йили гектар бошига 36 центнердан пахта ва пландаги 148 ўрнига 172 центнердан қанол повос олдик, — дейди қолхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. А. Цой.

— Хуш, бундай юкори ҳосилдорлигининг сирини нимада? Сиринг аввало шундан, бизнинг қолхозчиларимиз ерни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан тўйдириб боқадилар.

Дарҳақиқат, семиз ер баранали ҳосил беради. Қолхоз деҳқонлари бу йил ҳам ернинг ҳамиртуруши бўлган маҳаллий ўғитни қўлаб жамғармоқда катта эътибор беришмоқда. Ҳозиргача дала бошларига 2200 тоннадан ортиқ ўғит ташиб чиқарилиб, унинг ярмидан юзроғи маъсум чуқурларда чиритилимоқда. Давлат базалари даи аса минг тонна маҳаллий ўғит ташиб келтирилди ва усти бери омондорларга сайланмоқда.

Бу йил ҳар гектар ердан қанмида 36 центнердан «оқ олтин» ва 200 центнердан «қўи олтин» олинса бел боғлаган қолхоз деҳқонлари шу кунларда қўлаб таралудини тобора ави олдирмоқдалар. Ёзда суз равон оқсин учун барча эрки зоурулар тозаланилди. Маҳаллий ўғит ташиб қизил давом эттириляпти.

М. ИСМОИЛОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СЪЕРРА-ЛЕОНЕГА ҚИЛАДИГАН САФАРИГА ДОИР

СССР Олий Советининг тақлифига буюн Съерра-Леоне парламент делегациясини 1963 йил октябрда бизнинг мамлакатимизда бўлган эди. Ўз навбатида жавоб визити билан Совет делегациясини Съерра-Леонегга юбориш тўғрисида тақлиф олинди. СССР Олий Совети бу тақлифни миннатдорчилик билан қабул қилди.

СССР Олий Совети президиумининг аъзоси З. Н. Нуриев бошчилигидаги Совет парламентарияси 1 маргда Съерра-Леонегга жўнайдди. (ТАСС).

Р. 08512. Индекс 64969. Напр. № В 1704.